

Жиззах Вилояти

ИНТЕНСИВ АГРОТЕХНИКА — ДАВР ТАЛАБИ

АГРОМАСЛАХАТХОНА

ДАМ ҒАНИМАТ, ҲАР ДАМ ҒАНИМАТ

Шу кунларда кайфиятимиз баланд. Бу йил ҳар гектар майдондан юз центнердан галла ҳосили олиб, Юртбошимизнинг республика галлакорларига йўлаган табригида илғор фермер хўжаликлари қатори эътироф этилди. Айни пайтда барча эътиборимиз галлачиликда эришган юксак муваффақиятни пахтачиликда ҳам мустақамлашга қаратилган. Бу осон эмас. Негаки, гўза ривож ва ҳосил этилиши бултургидан бирмунча кечикмоқда. Лекин деҳқончиликда илғор тажрибалар, фан ютуқлари деган гаплар бор. Шуларга амал қиламиз. Бундан ташқари, пахтачилик амалиётига кейинги пайтларда интенсив агротехника кириб кела бошлади.



Айни пайтда хўжалигимиз механизатори Йўлдошжон Бойқоблов гўза қатор ораларини юмшатиш билан бирга, "ОВХ-28" пуркаш мосламасидан "Со-же-ан" препарати пуркамоқда. У қатор ораларини юмшатгандан сўнг даламизнинг бир қисмига гектарига 5 тоннадан фекаль компости оқизиб, сув таракли, бир қисмига "Узғуми" препарати қўлиб, суспензия сепдик. Мавжуд 12-14 тадан ҳосил шохлари ёнига яна 2-3 тадан қўшилиб, гўзаларимиз ўси, гулга гул, кўсакка кўсак қўшила бошлади. Биз мутахассислар маслаҳати ва бултурги тажрибамизга таяниб, чилишини бултургида гўзаларни озиклантириш асосида ўтказиш учун "Со-же-ан" пуркаётимиз. Бу

препарат гўзаларни барг ва шохлари орқали озиклантириш билан бирга, асосий типояни ўсириш-вожланишдан тўхтатиб, шоналарнинг гулга, гулларнинг кўсакка айланиш жараёнини давом эттиради, ҳатто маълум даражада кучайтиради. Бундан эса ҳосил миқдори кўпайиб, кўсакларнинг пишиши тезлашади. Ҳозир кечикиши ҳақида гап йўқ.

Умуман, туманимиздаги 414 та фермер хўжалигининг кўпчилиги бу йил интенсив агротехника асосида ишлаб, кечикиш ўрнини қоламоқда. Туманда асосий майдонларда гўза бўй жиҳатидан ҳам, ҳосил шохлари ва элементлари бўйича ҳам чилишга келди. Аксарият фермерлар бутун июль

ҳосилнинг кўп қисми этилмай, гул ва кўсаклигича қолади.

Чилпиш асосан уч усулда — кўлда, техника воситасида ва кимёвий усулда ўтказилади. Хўжалигимизда кимёвий усулда ўтказишга одатланганмиз. Юқорида айтганимдай, бу усул биринчидан, гўза ўсишини мўътадиллаштирсан, иккинчидан, унча-мунча зарарли хашаротларга ҳам қирон келтиради. Қолаверса, ён шохлар ва ҳосил тугунчаларига куч бериб, ривожланишдаги номунособликни бартараф этади. Натижада барча тугунчалар кўсакка айланади. Ҳосилдорлик эса гектарига 5-6 центнергача ошади.

Август — ҳосилга ҳосил қўиши оғи. Шу пайтгача дала билан дардлашиб, экин билан сирлаша олмаган баъзи деҳқонлар гўзалари парваришини омилкорлик ва тадбиркорлик билан ташкил эта олсалар, ўтган ойлarda йўл қўйган хато ва камчиликларини тузатиб олишлари мумкин.

Хўжалигимиз аъзолари 40 гектар майдонда гўза парваришлаб, ҳар гектаридан шартнома режимидагидай 31 центнердан эмас, балки 50 центнердан ҳосил кўтариш учун астойдил ҳаракат қилаётирлар. Тўғри-да, эл хирмонига ҳар гектар галлазоримиздан 50 центнердан ҳосил топишарсан, пахтадан кам бўлиб қолса, яхши бўлма-ов!..

Эшқувват ОМОНТУРДИЕВ, Дўстлик туманидаги "Омонтурди ота" фермер хўжалиги раҳбари.

Деҳқонларимиз шу кунларнинг ҳар бир соғия билан олиб бормоқдалар. Улар ҳосилни кўпайтириш ва уни сақлаб қолиш ағни палладаги гўза қатор ораларига берилмайдиган ишлов сифатли бажарилишига боғлиқлигини яхши билишади. Мана шу тадбирлардан бири пайкалдаги тупроқ намлигини бир маромида сақлаб туришдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, гўзани чанқатиб қўиш каби унга керагидан ортқ сув бериш ҳам зарардир. Яна бир гап, гўзани кўпроқ тунда сугориш лозим. Шунда сувнинг фойдаси ошиши, ҳосил тугунчалари тўкилиши камаяди.



Тупроқни бир текис намлаш учун калта эгатли сугориш самаралидир. Сугоришда "шарбат" усули қўлланилганда, гўза озуқа олиш баробарида сувнинг буғланиши камаяди, тупроққа яхши сингади, нам узок сақланади. Бунинг учун ҳар бир майдон (контур)нинг сув кирадиган жойига "шарбат" тайёрлаш учун хандак (ўра) қазилиб, сугорилган 5-6 кун олдин 1:1 нисбатда сув билан гўнг аралаштирилиб қўйилади. Бунда фекаль, тоза мол гўнги, чирган гўнг ёки компостдан фойдаланиш мумкин.

натмасини 2 фоиз сувли эритма тарзида қўл аппаратлари ва пуркагичлар ёрдамида (200-300 л/га) аралашма сарфлаб, пуркаш керак.

Яна бир зараркунанда — кўсак қуртига қарши курашиш учун феромон тўткичлар зарур. У кечки салқинда ўрнатилиб, эрталаб назорат қилиниб, қайта йиғиштириб олинади. Кўсак қуртининг капалаги тухум қўишдан бошлаб, унинг ҳар авлодига қарши далага 3-4 марта трихогарма тарқатиш зарур.

Усимликларни ҳимоя қилиш институти мутахассисларнинг айтишича, трихогармани ҳар 4-5 кунда қўиш лозим. Бунда ҳар сафар 1,0-1,3 граммдан, жами 3,3 грамм, ёки 60x80x60 минг дона тарқатилади. Қўиш схемаси 5x5 м. ёки бир гектар майдонда 400 та нуктага қўйилади.

Далада кўрт бўлишига ва унинг зичлигига қараб 1:0,5; 1:1,0; 1:2,0 нисбатда бракон чикариш амалга оширилади. (ҳар гектарга 300 тадан 2000 тагача урғочи зоти ҳисобланади). Тарқатишда ишчилар бир-биридан 500 м. масофада бўлиб, ҳар 500 метрда баллон қопқоғи қисқа муддатга (30 секунд) очилади. Трихогарма ва бракон эрталаб барвақт (соат 5-10 гача), кечкурун (август ойида соат 17-20 гача) тарқатилади.

Август ойи гўза вегетация даврида муҳим ой эканини фидойи деҳқон, тажрибали фермер, ишини қўзини билладиган мутахассис яхши билади. Агар улар шу кечакундуз ҳақиқий ташкилотчилик, уюшқоқлик ва фидойилик кўрсатса, гўзани сугориш, культивация қилиш, зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказишга эришса, даладаги мўлжалдаги ҳосил етиштирилиши аниқ.

Ренат НАЗАРОВ, *Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.*

Сурғарё Вилояти

Ховос туманидаги "Нур-наслчорва" МЧЖда чорва моллари бош сони ошиб, маҳсулдорлик ўсиб бораётир. Айни пайтда чорвачилик фермасида боқилаётган қорамоллар сони 250 бошдан ошди.

НАСЛ ЯХШИЛАНСА, МАҲСУЛДОРЛИК ОШАДИ, ДАРОМАД КўПАЯДИ

2007 йилда фермага 19 бош, 2009 йилда 52 бош зотли гунажинлар сотиб олинганлиги хўжаликларга, аҳоли хонадонларига зотли сигирлар етказиб бериш имконини ҳам яратди. Жумладан, 2010 йилда 9 бош зотли сигир сотилган бўлса, 2011 йилда 17 бош, 2012 йилда 35 бош насли сигир етказиб берилди.

— Чорвачиликда насли яхшиламай туриб катта ютуқларга эришиб бўлмайди, — дейди "Нур-наслчорва" МЧЖ раҳбари Қодирқул Эгамқулов. — Биз, аввало, ишни насли яхшилашдан бошлаганимиз туфайли қисқа даврда банкдан олган 298 миллион сўм қарз-кредитимиздан қутулдик. Олинаётган даромад ҳисобига чорвачилик хўжалигига 4 та трактор, ташуи, юклаш, ўриш агрегатлари сотиб олдик. 30 та янги иш ўрни яратдик.

"Агробанк"нинг Боёвут тумани филиалидан 270 миллион сўм кредит олиб, сутни қайта ишлаш заводи қуришни бошлаб юбордик. Сигирлар маҳсулдорлигини ошириш ниятида ферма ёнида янги озуқа цехини ҳам ишга туширяпмиз. Бундан ташқари, табиий ўтдан биогаз олиш борасида ишлашлар олиб борапмиз.

Сут заводи ва озуқа цехи ишга тушса, бу ерда яна ёшлар учун 15 дан ортқ янги иш ўрни яратилади. — Ушбу жамият жамоасининг тажрибасини кенг оммалаштириш учун бу ерда тез-тез семинарлар ўтказамиз, — дейди туман бош чорвашуни Курбон Отабоев. — Бу йил туманимизда 10 га яқин янги чорвачилик фермер хўжалиги ташкил этилди. Жойларда 12 та сунъий қочирш пункти ишлаб турибди. Аҳоли моллари наслини яхшилаш мақсадида бу йил 25 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатиш режалаштирилган. Наслчилик фермаларида зотли моллар сотувининг йўлга қўйилганиги эса келажакда аҳоли хонадонларида боқилаётган моллар наслини ҳам яхшилаб бориш имконини беради.

Бозорбой БЕКМУРДОВ

Тошкент Вилояти

ТЕРАКЛАР СИЗНИ БОҒЛАРГА ЭЛТАДИ



Халқободлик Алланазар акани ҳамқишлоқлари "суяги далада қотган" дейишади. Бунга асос бор, албатта.

Ёш Алланазар отаси Саибназар аканинг ортидан далага бирга боради, отасига эрта баҳордаги чигит екишдан тортқ, кеч кунда шудгорлашгача бўлган дала юмшларига қарашарди. Эндиликда отасидан ўрганганлари қўл келаяпти.

Мустақиллик шарофати билан у ҳам фермер хўжалиги ташкил этди.

Унинг 8 гектарлик боғида бўлсангиз, бу ердаги манзарадан баҳри дилингни очилади.

— Юртимизни бугун дунё тан олди, — дейди фермер А.Имомназаров. — Боиси, Мустақиллик берган имкониятлар туфайли ҳар соҳада катта ўзгаришлар бўляпти. Шу жумладан, фермерликда юртдошларимиз салмоқли ютуқларни қўлга киритишяпти. Биз ҳам 2006 йили оила аъзоларимиз билан келишиб балл бонитети паст ерни олиб, унга ишлов бериб, боғ ташкил этдик.

Боғимизда олма, олхўри, шафтоли, журмо, анжирлар барқ уриб ўсайпти. Пишиб етилган сархил меваларни шартнома асосида савдо

шоҳобчалари ҳамда қайта ишлаш корхоналарига пешма-пеш етказиб берапмиз.

Бугунги давр фермер хўжаликларида кўп тармоқлиликни талаб қилмоқда. Унга жавобан Алланазар ака ҳам фермер хўжалиги қошида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантирмоқда. Ҳозирда хўжаликда 15 бош қорамол, 10 бош кўй, 100 бош товуқ ҳамда 30 бош қурка боқилапти. У киши кўркакчиликни ривожлантиришга эътиборни кўчатириб, улар бош сони 200 тага етказиш мақсадида қўшимча қурилиш ишларини бошлаб юборган.

Фермер Алланазар аканинг яна бир хислати борки, бу ҳам бўлса, у киши бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмайди. Халқобод ҳудудида бўлсангиз, у кишининг хўжалигини ҳеч иккиланмай топиб борасиз. Боиси, фермер ўз худудидаги арик-зовурларнинг бўйларига қаторасига эккан 10 минг туп теракларни буй қўзиб, ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Алланазар аканинг иш тажрибасидан кўпчилик ибрат олиб, кам бўлмапди.

Албатта, фермер хўжалигини ҳар томонлама ривожланишида у кишига ўғиллари Шерождон, Дилшоджон, Дониёр ҳамда укаси Раҳимназарлар яқиндан кўмақдошдир. Уларга отасидан ўрганганларини ўргатиб, тажрибаларини бойитмоқда. Халқимиз бирлигиде гап кўй, дейди. Алланазар ака ва унинг оила аъзолари бирлашиб оиласи ва давлатимиз иқтисодийоти равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётганлиги таҳсинга сазовордир.

Аҳмаджон РИХСИБОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Қашқарё Вилояти

Президентимизнинг 2013 йил 5 июлдаги "Республика иқтисодийоти тармоқларини 2013/2014 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан Қашқарда вилоятда ҳам кенг қўлмалли ишлар олиб борилаётир. Жумладан, "Жанубгазтаъминот" унитар корхонасида давлатимиз раҳбарининг ушбу қароридан келиб чиққан ҳолда қатор чора-тадбирлар белгилаиб, бу борадаги ишлар босқичма-босқич рўйбега чиқарилмоқда. Қашқарда ва Сурхондарё вилоятлари газ истеъмолчиларига хизмат кўрсатувчи унитар корхона жамоаси куз-киш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш асосида жойлардаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Президентимизнинг ушбу қарорига мувофиқ аниқ тадбирлар режасини белгилаб олди, — дейди "Жанубгазтаъминот" унитар корхонаси директори Анвар Темиров. — Шунга кўра, мавжуд 761,2 километр ер ости газ қувурлари прибор усулида текширилди. Ҳозирги кунгача 4227 та газ тақсимлаш қурилмаси техник тафтиш ва жорий созлашдан ўтказилди. Мукамал таъмирлаш бўйича белгиланган 4,4 километр узунликдаги газ қувурининг 2,1 километрида монтаж ишлари якунига етказилди. 11 та газ тақсимлаш қурилмасининг 10 таси мукамал таъмирланди. Газ қувурларини реконструкция қилиш ишлари ҳам тезкорлик билан олиб борилапти. Шунингдек, шу кунга қадар 777,1 кило-



ТАБИИЙ ГАЗ ТОБИДА БўЛАДИ

— ДЕЙИШМОҚДА «ЖАНУБГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ ВАКИЛЛАРИ

метр узунликдаги газ қувурлари ҳаво босими ёрдамида тозиланди. 75 километр ўрнига 174,1 километр узунликдаги қувурларда бўёқлаш ишлари бажарилди.

Таъкидлаш жоизки, корхонанинг шаҳар-туман газ филиаллари томонидан белгиланган дастурга кўра, куз-киш мавсумида худудлардаги табиий газ босими етиб бормайдиган 88 минг 584 та

хонадонларга босқичма-босқич ҳал қилинган бошқа тури ва суюлтирилган газ етказиб бериш режалаштирилган.

Бундан ташқари, куз-киш мавсумида табиий газ босими етиб бормайдиган хонадонларга 13 минг 655 та газ баллони тарқатилди. Ушбу хонадонларга жорий йилнинг декабрь ойига қадар 6832,5 тонна суюлтирилган газ етказиб

риш, диспетчерлик хизматига тушган қақирувларни кечиктирмай ҳал этиш имконини беради.

Унитар корхонанинг Сурхондарё вилояти филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилляпти. Жумладан, Термиз шаҳрида газ таъминотини яхшилаш мақсадида 8 километр узунликдаги айланма юқори бо-

лини газ қувурини тортиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар ушбу лойиҳанинг 4 километрида монтаж ишлари якунланди.

Бундан ташқари, Термиз шаҳрида қуриладиган 15 та кўп қаватли уй-жойларни табиий газ билан таъминлаш мақсадида 3,2 километр узунликда ўрта босимли газ қувурини тортиш бўйича лойиҳасиета ҳужжатлари тайёрланди.

— Вилоятимизда 6310,730 километр газ қувурлари мавжуд, — дейди Сурхондарё вилояти фи-

ни қуриш юзасидан тармоқ жадвали ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 10,2 километр газ қувурларини мукамал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда бу борадаги ишлар жадал олиб боришмоқда.

Газ тақсимлаш пунктини техник тафтиш қилиш ишлари эса якуний паллага кирган. 2 та газ тақсимлаш пункти мукамал таъмирдан чиқарилди. 310,92 километр узунликдаги газ қувурларининг ҳолати прибор усулида текширилди. Умуман олганда, синов мавсуми — киш кунларида таъминотда муаммолар юзга келмаслиги учун ишлаб чиқилган барча тадбирлар сифатли амалга оширилмоқда.

"Жанубгазтаъминот" унитар корхонаси томонидан ҳар икки вилоятда 2013-2014 йил куз-киш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Энг муҳими, белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси юзасидан қатъий назорат ўрнатилган. Бу эса куз-киш мавсумида газ истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз ва барқарор таъминлаш имконини беради.

Ҳусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Хоразм Вилояти

ИНСОН ВА ҚОНУН

Қашқадарё Вилояти

СОЛИҚ НАЗОРАТИ

ФИРРОМЛИКНИ ЕР ҲАМ, ЭП ҲАМ ЁҚТИРМАЙДИ

Ҳазрат Навоий деҳқонларни шундай таъриф этади: «Олам маъмуриги алардин, олам аҳли масруриги алардин...» Ҳа, деҳқоннинг иши шундай шарафли, шундай улуг. Аммо буни қарангки, гуруч ичида қурмаги бўлганидек, деҳқон номига доғ туширувчи кимсалар ҳам учраб турар экан.

Хоразм вилояти прокуратураси томонидан ўтган давр мобайнида ўтказилган текширувларда баъзи ер эгаларининг қонун бузилишларга йўл қўйгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 февралдаги «2013 йилда ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги Қарорига асосан жорий йилда вилоят пахтакорлари 93800 гектар майдонга чигит экишиб, қабул масканларига 258 минг тонна пахта хомашеси етказиб бериш учун шартнома имзоласлар. Туманларда ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўтказилган назорат тадбирлари давомида маълум бўлдики, кўпгина фермер ҳўжаликларида чигит экиш тадбирлари белгиланган тартибда ўтказилмай, мўл ва сифатли маҳсулот етиштириш, юқори ҳосилдорликка эришиш учун ниҳоллар агротехника қоидалари асосида парвариси қилинмоқда. Аммо чигит экилиши лозим бўлган майдонларга ноқонуний даромад орттириш илжинида бозорларда харидордорг бўлган экинлар экиш, ерларни сотиш, минерал ўғитлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш каби ҳолатлар содир этилаётгани ҳам аниқланмоқда.

Сунажон" фермер ҳўжалигида 8,4 гектар ерга сабзавот, "Сарвар Эшчонбой" фермер ҳўжалигида 2,7 гектар майдонга кунгабоқар экин экилган. Журён қишлоғидаги "Асал бола" фермер ҳўжалиги раҳбари М.Матчанов эса "Янгиариқпахтаозалаш" ОАЖ билан жорий йил ҳосили учун 68 гектар майдонга чигит экиб, 210,8 тонна пахта хомашеси етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланганига қарамадан 6,4 гектар пахта майдонининг ҳар бир гектарини 2,5 миллион сўмдан ҳисоблаб, келишилган пулни сентябрь ойида бериш шартин билан М.Қаландаров, О.Рахимов, Ф.Қим, О.Қурёзовларга сотиб юборган. Худди шундай ҳолат Урганч туманидаги "Абдулла Мавлон" фермер ҳўжалиги раҳбари томонидан ҳам содир этилган. Фермер ҳўжалигида контрактация шартномасига мувофиқ, 40 гектар майдонга чигит экилиши шарт бўлган ҳолда, 31 гектар ерга чигит экилган. Қолган қисмига шולי экиб юборилган. "Сафо сартарош" фермер ҳўжалигида 67,5 гектар ўрнига 60,8 гектар ерга чигит экилиб, кейинчалик пахта даласининг 10 гектарини ҳам бузиб, шולי экишга тайёргарлик кўрганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузураридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг вилоят бошқармаси ҳодимлари томонидан жорий йилнинг 13 июнь куни Шовот туманида ўтказилган рейд тадбирида яна бир қонун бузилиш аниқланди. "Умида" фермер

ҳўжалиги норасмий иш юри-тувчиси Б.Пирнафасов фуқаро О.Матрасуловга ҳўжалигининг 10 гектар ер майдонининг 1 йил муддатга ижарага беришни ваъда қилиб, алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан 5950 минг сўм пул ва 1500 АҚШ долларини олаётган пайтда ушланган.

Вилоят ҳокимлиги томонидан 12000 гектар майдонга шולי экишга рухсат берилган бўлишига қарамадан, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасидан олинган маълумотга қўра, режадан ортиқча 162 ҳолатда 876,8 гектар режасиз, 306 та ҳолатда 2049,7 гектар майдонга ноқонуний шולי экилишига йўл қўйилган. Кўшқўпир туманидаги "Мадад" фермер ҳўжалиги раҳбари Ф.Рахимов 35,4 гектар бугдой майдонини бузиб, шундан 22 гектарига шולי экинлиги аниқланди. Гурлан туманидаги "Полновобод" фермер ҳўжалиги раҳбари Ж.Собиров бу борада нафси ўлқон фермерлардан чиқиб қолди. Унинг шולי экиш учун 27,2 гектар майдонга сув очиб, шундан 19,4 гектар майдонга шולי экинлиги аниқланди. Фермер ҳўжалиги раҳбаридан белгиланган тартибда маъмурий ва молиявий жарима ундирилди.

Жорий йилнинг 22 май куни Бош прокуратура ҳузураридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Ҳоразор тумани бўлими томонидан ўтказилган тадбир давомида Питнак қишлоғида фаолият кўрсатаётган "Шукур-

жон бухгалтер" фермер ҳўжалиги раҳбари Ш.Аҳмедова аммиакли селитрани сотиб олиниши, сақланиши ва қайта сотилиши тақиқланганлигини била туриб, нотаниш шахсдан 70 қопдаги жами 3500 килограмм аммиакли селитрани ҳар бир қопини 15 минг сўмдан жами 1050 минг сўмга келишилган ҳолда сотаётгани аниқланди.

Ҳеч бир ноҳўя иш, қонунбузилишлар қорасиз қолмаганидек, юқоридаги нафси йўлида деҳқон номига инсон келтирган, ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйдиган кимсалар қонун олдида жавоб бердиллар.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар, фермерларга яратилаётган катта имкониятлар, берилаётган имтиёزلардан руҳланган минглаб фермерлар вилоятнинг оғир тупроқли мураккаб иқлим шароитида, баъзида обиҳаётнинг тақчил бўлишига қарамадан фидокорона меҳнати ва омиқкорлиги билан барча қўлақ ҳўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилиш идораларини ҳодимлари эса уларнинг ҳўқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга бор билим ва кўч-қайратларини ишга солаверадилар.

Сўҳроб НАЗАРОВ, Хоразм вилояти прокуратураси қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийлиги таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси.

Бугун бозорларимиз файзу лаатофати ҳақида ҳар қанча гапирсак кам. Кейинги йилларда шарқона усулда тамоман қайта қурилган ҳамда "савдо мажмуалари", деб номланаётган бозорлардаги саришталик, харидорларга яратиб берилаётган шароитларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида сифатсиз, қалбакилаштирилган (ясама) ёки контрабанда товарларни олиб кириш ва сотишга қарши курашишда муҳим омил бўлмоқда.

НОҚОНУНИЙ МАҲСУЛОТЛАР САВДОСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Айни кунда Қашқадарё вилоятида 50 та юридик мақомидаги деҳқон ва 1 та мол-мулк бозорлари, уларнинг 78 та филиаллари ҳамда 24 та савдо мажмуалари фаолият кўрсатиб келяпти. Товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ҳамда сотилишининг олдини олиш борасида бўлимининг ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда олиб борилган назорат тадбирлари натижасида бозорлардаги ноқонуний товар айланмаларига чек қўйилмоқда.

Жумладан, 2010 йилда 471 та текшириш ўтказилиб, уларнинг 343 тасидан жами 490,6 миллион сўмлик 2011 йилда 675,8 миллион сўмлик республикамизда ва чет элда ишлаб чиқарилган товарлар олиб қўйилган бўлса, 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида 406,5 миллион сўмлик мол-мулк мусодара қилинди.

Чет элда ишлаб чиқарилган ноқонуний товар савдоси таҳлил қилинганда, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 22,3 миллион сўмга, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 155,8 миллион сўмга, 2013 йил ярим йиллигида 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 51,1 миллион сўмга ошганлигини кўриш мумкин. Айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан ноқонуний товарларнинг савдога қўйилганлиги ва фуқаролар томонидан ноқонуний савдо фаолияти амалга оширилганлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилган моддий бойликлар тегишли тартибда давлат эгаллигига ўтказилди.

Жорий йилда Шаҳрисабз туманидаги "Бахтиёр" савдо мажмуаси ҳудудида савдо қилаётган яқка тартибдаги



тадбиркор Эргашев Санжар фаолияти бўйича қисқа муддатли текшириш ўтказилганда, у катта миқдордаги маблагни назорат-касса машинасига кириш қилмаганлиги ва савдода кириш ҳужжатиносиз 10295,0 минг сўмлик импорт ноозиқ-овқат товарлари мавжудлиги аниқланди ҳамда тўпланган ҳўжатлар асосида Эргашев Санжарга нисбатан СВОЖДЛҚКД вилоят бошқармаси томонидан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, Ғузур тумани "Ғузур деҳқон бозори" ҳудудидаги савдо дўконида фаолият олиб бораётган яқка тартибдаги тадбиркор Санжарбек Тўхтаев фаолияти текширилганда ха-

ридорга харид чеки берилмаганлиги, маълум миқдордаги савдо пули назорат-касса машинасига кириш қилинмасдан банк муассасасига топширилгани ва савдода ҳўжжатиносиз 10622,0 минг сўмлик импорт ноозиқ-овқат товарлари мавжудлиги аниқланди.

Шу боис, бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудида ноқонуний маҳсулот олиб кириш ҳамда унинг савдосини олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига огоҳлантириш хатлари берилди.

Кўриниб турибдики, амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамадан бундай ноҳўш ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Демак, солиқ хизмати ҳодимлари ҳўқуқни муҳофаза қилувчи бир қатор органлар билан ҳамкорликда борада мунтазам равишда назорат тадбирлари олиб боришлар лозим.

Д.ДАВРОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи, Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ, журналист.

Эълонлар

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Лот 2-1. Сурхондарё вилояти Ангор тумани «Таллимарон» ҚФЙ «Гулистон» аҳоли яшаш пунктида 2013 йил дастури асосида қурилаётган яшаш уйлари ҳудудида узунлиги 1,018 км. бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 294,002 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 245,002 млн. сўм, қурилиш муддати – 45 кун.
Лот 2-2. Сурхондарё вилояти Денов тумани «Анбарсой» ҚФЙ «Ободон» маҳалласида 2013 йил дастури асосида қурилаётган яшаш уйлари ҳудудида узунлиги 0,566 км. бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 127,335 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 106,113 млн. сўм, қурилиш муддати – 75 кун.
Лот 2-3. Сурхондарё вилояти Денов тумани «Хазарбой» ҚФЙ «Жамата» маҳалласида 2013 йил дастури асосида қурилаётган яшаш уйлари ҳудудида узунлиги 0,728 км. бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 214,005 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 178,338 млн. сўм, қурилиш муддати – 75 кун.
Лот 2-4. Сурхондарё вилояти Денов тумани

- «Юрчи» ҚФЙ «Гулбод» маҳалласида 2013 йил дастури асосида қурилаётган яшаш уйлари ҳудудида узунлиги 0,561 км. бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 126,203 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 105,169 млн. сўм, қурилиш муддати – 90 кун.
Лот 2-5. Сурхондарё вилояти Денов тумани «Юрчи» ҚФЙ «Каттақарши» маҳалласида 2013 йил дастури асосида қурилаётган яшаш уйлари ҳудудида узунлиги 1,016 км. бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 232,99 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 194,158 млн. сўм, қурилиш муддати – 90 кун.
Лот 3-1. Сурхондарё вилояти Музробат тумани «Халқобод» ҚФЙ «Ч.Қувондиқов-2» массивида 2013 йил дастури асосида қурилаётган яшаш уйлари ҳудудида узунлиги 1,076 км. бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 334,796 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 278,997 млн. сўм, қурилиш муддати – 60 кун.
Лот 3-2. Сурхондарё вилояти Сарюсий тумани «Тоғчиён» ҚФЙ «Фозилқўчди» маҳалласи-

- да 2013 йил дастури асосида қурилаётган яшаш уйлари ҳудудида узунлиги 1,306 км. бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 297,582 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 247,985 млн. сўм, қурилиш муддати – 90 кун.
Лот 3-3. Сурхондарё вилояти Узун тумани «Теллақинор» ҚФЙ «Обизаран» маҳалласида 2013 йил дастури асосида қурилаётган яшаш уйлари ҳудудида узунлиги 1,125 км. бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 256,009 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 213,341 млн. сўм, қурилиш муддати – 90 кун.
Лот 3-4. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани «Рабатга» ҚФЙ «Янгиариқ» массивида 2013 йил дастури асосида қурилаётган яшаш уйлари ҳудудида узунлиги 0,897 км. бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 228,356 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 190,297 млн. сўм, қурилиш муддати – 45 кун.
Лот 3-5. Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани «Янгибозор» ҚФЙ «Жойилма» аҳоли яшаш пунктида 2013 йил дастури асосида қурилаётган

- яшаш уйлари ҳудудида ички автомобиль йўллари қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 315,846 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 263,205 млн. сўм, қурилиш муддати – 60 кун.
Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз шаҳри А.Бақуменко кўчаси 5-уй. Тел.: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85 ф.
Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Республика йўл жамғармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.
Танлов савдоларида катнашиш учун талабгорлар қўйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдордаги айланма маблагларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий маълака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидадан фуқаролик – муомала ҳўқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет элд қурилиш ташкилотлари ва фирмаларни иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳорланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қўйидаги нарх преференциялари қўзда тутилади: танлов иштирок-

- чиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) кириштирилиш қўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳорланади.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳўжжатида эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – «Давархитектурилиш» қўмитасининг қурилиш да танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76 ф.
Бир Тўпланган танлов ҳўжатларининг нархи – 70 000 сўм.
Тақлифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати офёрталар очилиши кунини ва соати. Тақлифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 6 сентябрь куни соат 10:00да аукцион комиссияси иштирокида бўлиб ўтадиган бошланғич баҳоси бошқича-бошқич опиши тартибиде ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдосига Андижон вилояти қасаба ушмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаширинг 2008 йилда и/ч д/р 60/726 QAA, «Лада-21154-120-20» русумли бошланғич баҳоси 7 553 000 сўм, 1996 йилда и/ч д/р 60/725 QAA, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 3 516 000 сўм, 1996 йилда и/ч д/р 60/728 QAA, «Эсперо» русумли бошланғич баҳоси 9 310 000 сўм, 1998 йилда и/ч д/р 60/729 QAA, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 4 009 000 сўм, АСМХ ҳодимлари қасаба уюшмаси Ҳўжаобод тумани кенгаширинг 1989 йилда и/ч д/р 17 АА 613, «ВАЗ-2107» русумли бошланғич баҳоси 1 328 000 сўм, АСМХ ҳодимлари қасаба уюшмаси Балиқчи тумани кенгаширинг 1998 йилда и/ч д/р 60/726 LAA, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 3 703 000 сўм, АСМХ ҳодимлари қасаба уюшмаси Пахтаобод тумани кенгаширинг 1995 йилда и/ч д/р 60/403 EAA, «Дамас» русумли бошланғич ба-

ҳоси 6 043 000 сўм, АСМ ҳодимлари қасаба уюшмаси Андижон тумани кенгаширинг 1997 йилда и/ч д/р 60/197 GAA, «Дамас» русумли бошланғич баҳоси 7 048 000 сўм, АСМХ ҳодимлари қасаба уюшмаси Марҳатум тумани кенгаширинг 1995 йилда и/ч д/р 17 АЕ 805, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 3 972 000 сўм, АСМХ ҳодимлари қасаба уюшмаси Избосхан тумани кенгаширинг 1998 йилда и/ч д/р 60/016 HAA «Тико» бошланғич баҳоси 4 524 000 сўм, АСМХ ҳодимлари қасаба уюшмаси Асака тумани кенгаширинг 1991 йилда и/ч д/р 60/946 KAA, «Москвич ИЖ-412» русумли бошланғич баҳоси 705 000 сўм ҳамда 2006 йилда и/ч д/р 60/203 AAA, «Нексия» русумли бошланғич баҳоси 18 965 000 сўм бўлган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйиладди.

Ҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотиб олиш баҳосининг 2,5 % фоизи микдориде комиссияснинг йўғина тўланади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача Андижон вилояти Андижон шаҳар Алишер Навоий шох кўчаси 30-уйда «Auto Trade Cooperation» МЧЖнинг Андижон вилояти филиалида ва Тошкент шаҳри Амир Темур 1-тор кўчаси 6-уй, «Auto Trade Cooperation» МЧЖнинг марказий идорасида қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш «Аукцион» савдолари бошлангичдан 1 кун олдин, яъни 2013 йил 5 сентябрь соат 10:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси матлар қўрсатиш учун тўлов олинди. Кўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри А.Темур 1-тор кўчаси 6-уй. Тел: (+99895) 177-96-74. Андижон вилояти Андижон шаҳри А.Навоий шох кўчаси 30-уй. Тел: (+99891) 484-14-47. E-mail: avto_tc@mail.ru

МЧЖнинг ХОАТБ «InfinBANK» банкидаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, х/р: 20208000505015685001 ҳисобрақамига ва «Auto Trade Cooperation» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг «AGROBANK» ОАТБ Андижон вилояти бошқармаси МФО: 00077. ИНН: 302654743. х/р: 20208000300241107001 ҳисобрақамига тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳўжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида катнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатинида ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс катнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳўжжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар қўрсатиш учун тўлов олинди. Кўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри А.Темур 1-тор кўчаси 6-уй. Тел: (+99895) 177-96-74. Андижон вилояти Андижон шаҳри А.Навоий шох кўчаси 30-уй. Тел: (+99891) 484-14-47. E-mail: avto_tc@mail.ru

Гувоҳнома № 005148
Ранее опубликованное объявление в газете «ТОР» за № 6 (218) от 12.02.2013 г. о ликвидации ООО «MEGA STEEL INTER» (ИНН 201723793), зарегистрированного по адресу: Свердловский р-н м-к Сергеев-Зв. д. 3 кв-ра 34, выданный на имя Хасанова Амирджон Кулмаатовича, считать недействительным.
ООО «TALLA PARTNIS» (ИНН 301732495) Шанхайтан қор-р-н-га қ. Ташкента, сообщает об уменьшении уставного фонда предприятия с 59 490 000 сўм до 3 355 000 сўм. Адрес: г. Ташкент ул. Бегуний д. 2.
Утеярный договор купли-продажи (реестр № 4316, 03.11.2011 г.) на квартиру, расположенной по адресу: Свердловский р-н м-к Сергеев-Зв. д. 3 кв-ра 34, выданный на имя Хасанова Амирджон Кулмаатовича, считать недействительным.
ООО «TALLA PARTNIS» (ИНН 301732495) Шанхайтан қор-р-н-га қ. Ташкента, сообщает об уменьшении уставного фонда предприятия с 59 490 000 сўм до 3 355 000 сўм. Адрес: г. Ташкент ул. Бегуний д. 2.
Ташкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳўқуқидеги ТСРҲИ томонидан (реестр № 006363-08, 13.10.2010 й.) рўйхатдан ўтган «КОРНА НИМАЛТАР УОҒДУСИ» (ИНН 207098840) МЧЖга тегишли думалок мур йўқотганлиги сабабли бекор қилинди.
Ташкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳўқуқидеги ТСРҲИ томонидан (реестр № 004895-09) кайта рўйхат олинган «АҚОЮСҲИЛК-САВОД» Хўжин ташқилий-ҳўқуқий шакли МЧЖга ўзгартирилмак. Давлолар Ташкент ш. Чилонзор т. Наҳшқоқ кўч. 18-йил манзили бўйича қабул қилинди.
Утеярный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Якасарайский р-н ул. У.Носира д. 65 кв-р 37, выданный на имя Якасарайского р-н на имя Саттарова Сайидмурода Абдуаршиповича, считать недействительным.
Частное предприятие «ИТИПОР КАРВОН» (ИНН 206978466) М.Улутбекского р-н-га г. Ташкента сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО «ИТИПОР КАРВОН». Тел.: 262-03-96, (96) 302-97-20.

Ташкент ш. Хамза т. ҳокимияти ҳўқуқидеги ТСРҲИ томонидан (реестр № 000878-07, 27.05.2011 й.) рўйхат олинган «ТЕХ ХОЛТАБОРОТ ТРАНС» МЧЖнинг (ИНН 20593620) Устав жамғармаси 1 333 000 сўмдан 333 000 сўмга камайтирилди. Тел: 361-66-11.
ООО «ИМ ОЛ СНОУР» (ИНН 301576381) Алмазарского р-н-н сооибет об уменьшении Уставного фонда предприятия с 400 000 000 сўм до 100 000 000 сўм.
Утеярный диплом № 1777, выданный 2013 г. Ташкентским Профессиональным колледжем радиотехники и автоматике на имя Исмомиловой Мукаддас Мирхалиловны, считать недействительным.
«THERMIDE-FOOD» МЧЖга (СТПР 301563439) тегишли думалок мур йўқотганлиги сабабли бекор қилинди.
Ташкент ш. Утепча т. ТСРҲИ томонидан (реестр № 003198-01, 21.10.2009 й.) рўйхатдан ўтган «СОНДЕКС ПРОДУКТ» МЧЖ (ИНН 301351679) Устав фонди 1 537 600 000 сўмдан 35 000 000 сўмга ўзгарганлигини маълум қилади. Давлолар 2 ой ичида 187-47-74 тел. рақами орқали қабул қилинади.
ЧФ «VAL-MARK» (ИНН 202953191) Мирабаского р-н-га. Ташкента преобразуется в ООО «VAL-MARK».

Ташкент вило. Зангиота т. Гулистон ҚФЙ Хожи ота кўча 1-уйда яшовчи Абдурусуллов Сарвар Абдуфоттоҳ углига тегишли Арив № 1753 6-июль 1А-100 25 77 сарқили 29.07.2010 й.да берилган ер қаватини (1111030650205) гувоҳномаси йўқотганлиги сабабли бекор қ

Жиззах Вилояти

Болалар шодлигига тўлди қаралар

Ёзнинг жазирама кунларида Нурота тизма тоғининг Севатли дарасидаги Дўстлик туманига қарашли «Табассум» оромгоҳида дарахларнинг майин шовул-лаши, сайроқ қушларнинг турли нағмалари, тоғдан тушаётган қўширмоқ шалоланинг шилдираши болаларнинг қий-чуви, қувноқ қаҳқаҳаю шод қўшиқлари билан қўшилиб, дара бағрида ажиб симфония мавжланади.

Оромгоҳнинг кенг ва ям-яшил спорт майдонига спорт услубчилари — Фулом Давлетов билан Шўҳрат Хасановлар кириб келишди. Болажонлар уларни ўраб олишди.

— «Турон» ва «Истиклол» гуруҳлари болаларининг футбол мусобақасини ўтказамиз, — деди Фуломжон ҳакамлик хуштагини ча-либ. — Мусобақамиз оддий ўртоқлик учрашуви эмас, балки оромгоҳ биринчилиги мусобақасидир. Барча сергақ тортиди.

Футбол мусобақаси бошланган бу пайтда «Истиклол» гуруҳи тарбиячиси Машура Шерова бир гуруҳ болалар билан бирга даранинг тоққа туташ қисмидаги бог-да «Қушлар навоси» топқирлик-зийраклик мусобақаси ўтказаяпти.

Мусобақа шартига кўра, барча жим ўтириб, қушлар сайрашини эшитиши, топқир ва зийрак бола эса аралаш-қуралаш нағмалар орасидан қайси овоз қайси қушни эканини айтиши керак.

— Богда эрталаб қушлар шу қадар кўп ва шу қадар жўровоз сай-

рашадики, уларни бир-бирдан ажратиш анча мушкул, — дейди Машурашон. — Масалан, булбул билан савъа деярли бир хил наво қилади. Какку эса асосан «ка-ку»-лаши устига гоҳо зағизоннига ўхшаш «ха-ху» товушлари чиқаради. Читтак, синчак, чумчук, майна сингари қушлар ҳам ўз «соз»ла-



Оромгоҳнинг кенг ва ям-яшил спорт майдонига спорт услубчилари — Фулом Давлетов билан Шўҳрат Хасановлар кириб келишди.



рига эга. Майналар гоҳо бошқа қушларга таклид ҳам қилади. Бу машғулотиимиз болалар учун жуда қизиқарли. Шу боис, улар боққа тез-тез келишни хоҳлайди. Бу

ерда астойдил тортишиб-бахшашади. Пастда болалар чўғурлашади, тепада қушлар!

Оромгоҳда болаларнинг билим савияларини ошириш, онг ва тушунчаларини бойитиш ҳамда дунёқарашларини кенгайтиришга доир бу каби жуда кўп тадбирлар ўтказилади. Жорий йилда чет тилларини ўргатиш, бичувчи-тикувчилик, география тўғрисидаги машғулотиимиз ҳам олиб борилаётган. Айниқса, «Кўхна тарих сўзласин» деб аталувчи саёҳат-роҳат тўғрисида болажонлар оромгоҳ атрофида тарихий жойларни ўрганиш ва қадимий обидаларни томоша қилиш баробарида ўзлари учун кимматли тарихий манбалардан хабардор бўлишади.

— Оромгоҳимиз яқинидаги Каттабўғдон, Сайёд, Осмонсой ва бошқа қишлоқларда юртимизнинг кўп-кўп обрў-эйтиборли кишилари,

нуроний отахон ва онахонлар яша-шади, — дейди оромгоҳ бош етакчиси Раъно Одилжонова. — Уларнинг ҳаёт йўли болалар учун жуда ибратлидир. Шундай кишилардан бир нечасини болалар хузурига таклиф этиб, суҳбатларини олдик. Оромгоҳимиз яқинидаги хонадонларга саёҳат уюштириб, тоғликларнинг тоқзорларини кўрсатдик. Бу қишлоқларнинг соҳибдорлари минг йиллардан буён тош, кум, шағаллар узра ширин-шарбат узумлар етиштириб, майизлар қуритишади. Ҳар түп ёнғоқ дарахтидан 400-500 килограммгача мева териб олишади.

Оромгоҳда ором олаётган 90 нафарга яқин боланинг барчаси етакчи опалари каби мана шундай ёрқин тушунча ва таассуротлар билан ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишаётган. Уларнинг бундай мароқли ҳордиқ чиқаришларида Евгенна Волкова, Матлуба Кўшбоева, Наргиза Шамсиева, Махбуба Шерова каби тарбиячи-тўғрак раҳбарлари, моҳир оспаз — Таштемир Тангриев, олий тоифали врач ва ҳамширалар — Фарход Ботирқулов, Ҳабиба Умарова, Гулзода Убайдуллаевалар бор билим ва маҳоратлари, меҳру ардоқларини ишга солишмоқда. Болажонлар ёнларида шундай меҳрибон, гамхўр ва парвона тарбиячилари, мустаҳкам белбоғли спорт мураббийлари, доимо сергақ саломатлик соқилари борлигидан шод қулиб, хушхол қийқуриб, кўнглидагидай дам олишапти. Шодликларининг завқ ва зарбидан даралар гумбирлайди.

Келдиёр ЖУРАКУЛОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.



СПОРТ

БИАТЛОН
РУСЛАН — ЕВРОПА
ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ




Эстониянинг Хаанья шаҳрида кросс-биатлон бўйича Европа очик чемпионати бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган Ўзбекистон биатлон терма жамоаси етакчиси Руслан Носиров 35,6 (3+1+1+3) натижа билан учинчи ўринни кўлга киритди.

Руслан кросс-биатлон бўйича ўтган йили Словакиянинг Осрби шаҳрида ўтказилган Европа чемпионатида ҳам совриндорлар қаторидан ўрин олиб, кумуш медаль билан тақдирланган эди.

ФУТБОЛ

Туркияда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этганидан сўнг бир қатор хориж футбол клублари ёшларимизга қизиқиш билдиргани ҳақида хабарлар тарқатилган эди.



Жумладан, бир неча футболчимиз хориж клубларида назорат синов учрашувларида иштирок этиб келди. Шулардан бири Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳамда Тошкентнинг «Локомотив» клуби ҳимоячиси Бобурбек Йўлдошев Туркиянинг «Манисаспор» клуби билан ҳали расман шартнома имзоламаган бўлса-да, келгуси фаолиятини ўша ерда давом эттириши ҳақиқатга яқин кўринади.

Туркиядаги «Manisa Haber» нашрининг хабар қилишича, турк клуби техник директори Кемал Ўздемнинг футболчимиз маъқул келган.

Футболчининг ўзи ушбу нашрга маълум қилишича, унга бошқа клублардан ҳам таклифлар бўлган. Аммо ёшларга кўпроқ имконият берилиши боис, ушбу жамоани танлаган. Яъни кўпроқ ўйин амалиётига эга бўлишни ҳисобга олган.

ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ ИОРДАНИЯЛИК ТЕНҚУРЛАРИНИ МАҒЛУБ ЭТИШДИ

Ўзбекистон 16 ёшгача бўлган ўсмир қизлар терма жамоаси — U-16 навбатдаги ўқув-машғулот йўналиши ўтказиш учун 2 август кунини Иорданияга жўнаб кетган эди.

Иорданиядаги йўғин давомида Гулнора Аъзамова бошчилигидаги ўзбекистонлик ўсмир қизлар мезбон ўсмирлар терма жамоасига қарши иккита ўртоқлик учрашувини ўтказиш режалаштирилган эди. Режа бўйича ушбу ўртоқлик учрашувларининг биринчиси яқинда кўнгли ўтказилиб, унда ҳамюртларимиз иорданиялик рақибларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Ўзбекистонлик ўсмир қизларнинг голлари Нилуфар Қудратова ҳамда Дилдора Нозимова-лар муаллифлик қилишди.

Ўзбекистон ҳамда Иордания ўсмирлари ўртасидаги иккинчи ўртоқлик учрашуви 7 август кунини бўлиб ўтди. Терма жамоанинг Иорданиядаги йўғини 9 август кунигача давом эттиришди.

Ўзбекистон ўсмир қизлар терма жамоаси шу йилнинг 26 сентябрь — 6 октябрь кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қиладиган U-16 ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида кўчи уличқан ўрин олган терма жамоалар 2014 йили Коста Рикада бўлиб ўтадиган ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати финал босқичига йўллангани кўлга киритди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги жамоаси агентлик бош мутахассиси Нодир Фафурова падари бузруквори КОДИР отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этди.

«UNIVERSAL AUKTION INVEST» МҶЗ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛАЛАИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 6 сентябрь кунини соат 14:00 да ўтказилган аукцион савдосига Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Наманган шаҳар Шохруҳобод кўчаси 26-уйда жойлашган Наманган вилояти Давлат санитария эпидемиология назорати марказига қарашли қўйидаги таъмирталаб автомобилотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1988 й. и/ч «ТМЗ-5403-01» русумли, д/р 16 АЕ 257, бошланғич баҳоси 225 000 сўм, 1991 й. и/ч «УАЗ-3152» русумли, д/р 62-50 НАБ, бошланғич баҳоси 936 500 сўм, 1991 й. и/ч «ГАЗ-2413» русумли, д/р 16 АЕ 142, бошланғич баҳоси 1 170 500 сўм.

Мазкур автомобилотранспорт воситалари 2013 йил 6 сентябрь кунини соат 14:00 да сотилмаган тақдирда тақририй аукцион савдоси 2013 йил 13, 20 ва 27 сентябрь кунлари соат 14:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қилади. Аукцион савдосига қўйилган автомобилотранспорт воситалари билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар кунини (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га

қадар қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун аввал соат 14:00 да тўхта-тилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автомобилотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auction Invest» МҶЗ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО: 00223, СТИР: 302083379, 20208000104932168005 ҳисоб-рақамига тўлашлари ва қўйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: 160100, Наманган шаҳри Банк кўчаси 9-уй 1-қават 15-хона. Мурожаат учун тел/факс: (8369) 227-31-66, E-mail: Inrs@mail.ru. Гувоҳнома: 004059

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! ТЕРРИТОРИАЛЬНОЕ УПРАВЛЕНИЕ СУД ДЕПАРТАМЕНТА КАШКАДАРЬСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА:

Капитальный ремонт административного здания Уголовного суда Миршаркского района Кашкадарьской области.

Стартовая стоимость заказ-ка составляет 157.476.492 сум без НДС, 188.971.790 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4 месяца.

Финансирование осуществляется за счет: Фонд развития судов и органов юстиции.

Заказчик: Территориальное Управление суд департамента Кашкадарьской области.

Адрес: г.Карши Хонобадское шоссе-5. Тел.: (8-375) 223-11-38, Факс 223-10-80.

Размер квот для субъектов малого бизнеса составляет 100%.

Предприятия и организации выступавшие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не

менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсной объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах ответственных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для ответственных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных торгов предпочтение с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортные в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога. Для участия в торгах и при-

обретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов - Кашкадарьский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсовому торгам и ценообразованию в строительстве, по адресу - г.Карши Ханабадское шоссе д.46а. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.

Стоимость одного комплекта документов 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в здании заказчика по адресу - г.Карши, Хонобадское шоссе-5.

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ц
- Асфальтрез
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам «Беларусь»
- Шины различных моделей



маҳсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

САНОАТ ВЕНТИЛЯТОРЛАРИ

Двигатель кубвати: 1,1 ва 0,75 кв, 1400 RPM Ўлчамлари: 1380x1380x400мм
Қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш биналарини совитишга мўлжалланган
ҚОҒОЗЛИ РАДИАТОРЛАР
Ўлчамлари: 1000x600x100 мм.
Тел.: (+99893) 675-00-03, (+99890) 214-80-91. Факс (+99869) 226-01-25 e-mail: akromjon777@mail.ru



АГРОТЕХНИКА

- ~ Беларусь 80X ~ Беларусь 82.1 ~ Беларусь 1025
- ~ Бог ва ферма учун тракторлар
- ~ Гусеничные тракторлар
- ~ Прессподборщик
- ~ Ўзгужа урадиган комбайн
- ~ Ўт урадиган комбайн
- ~ Макка урадиган комбайн
- ~ Жўриқ йиғувчи комбайн
- ~ Косилка КИР 1,5
- ~ Сомон йиғувчи мосламалар
- ~ Картошка терадиган комбайн
- ~ Картошка экадиган комбайн
- ~ Бугдой экадиган саялка
- ~ Пахта экадиган саялка
- ~ Дори сепадиган мосламалар
- ~ Сачратиб сугорувчи мосламалар
- ~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
- ~ Культиваторлар
- ~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг (+99871) 150-58-58
- ~ Чизель, борона 150-68-68
- ~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
- ~ Траншекопатель, ямобур

Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
Маҳсулот сертификатланган Буюртма асосида

Барча қурилиш корхоналари ва ташкилотлари диққатига!
9204-ҳарбий қисм бюртмаси билан «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 2013 йил 23 апрелдаги 50-сонидан берилган эълон бўйича 2013 йил манзили дастурига киритилган «9204-ҳарбий қисмга қарашли Қоракўл тумани ҳудудида жойлашган 3-сонли «Хатар» чегара пости комплекс биносини мукамал таъмирлаш» ва «9204-ҳарбий қисмга қарашли Олот тумани ҳудудида жойлашган 6-сонли «Денгизкўл» чегара пости комплекс биносини мукамал таъмирлаш» объектининг тавола савдоларида мудофаа объектиларида бажариладиган ишларга махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлмаган талабгор корхона ва ташкилотлар ҳам иштирок этишлари рухсат этилади.

<p>Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехника ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВЕВ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Махдум ТИМҲАМ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзоде ҒУЛОМОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масълул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93. ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қоракалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.</p>	<p>Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.</p>	<p>Набатчи муҳаррир: С.САЙДИСЛОМОВ Муассиҳчи: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА</p>
---------------------------------------	---	--	--	--	---	--